

## Оқсаройда қабул

---



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июль куни Оқсаройда Халқаро хаваскор боксчилар уюшмаси (АІВА) президенти Чинг-Куо Вуни қабул қилди.

Чинг-Куо Ву АІВА Ижроия кўмитасининг Тошкентда ўтаётган мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрди. Мазкур спорт форуми Халқаро хаваскор боксчилар уюшмаси учун Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарликнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, АІВА ва унинг раҳбари Чинг-Куо Ву ўзининг муносиб хизмати билан дунёда кенг тарқалган боксни ва, умуман, Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу нуфузли халқаро ташкилот Ижроия кўмитаси мажлисининг Тошкентда ўтказилаётгани муҳим воқеа бўлиб, бу жаҳон спортида Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлайди.

Чинг-Куо Ву мамлакатимизнинг жаҳон спорт майдонида обрўси ортиб бораётганини юксак баҳолади. Ўзбекистонда жисмоний тарбияни оммалаштириш ва болалар спортини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани халқаро жамоатчиликка яхши маълум. Давлатимиз раҳбарининг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ҳар томонлама етук ёшларни вояга етказишга доимий ғамхўрлик кўрсатаётгани, бу борада мақсадли ишлар амалга оширилаётгани натижасида айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб 60 фоизи спорт секцияларига қатнамоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида профессионал спортчи, мураббий ва ҳакамларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилди. Бугун барча зарур техник ва услубий воситалар билан таъминланган саксондан зиёд спорт федерациялари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 51 мингдан ортиқ спорт иншоотлари бунёд этилган. Спорт турлари бўйича кўплаб марказ ва секциялар, энг яхши хорижий спорт ареналаридан қолишмайдиган спорт мажмуалари ва заллари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ўйинларида эришаётган ютуқлари ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир. Тарихан қисқа фурсатда 6 олтин, 5 кумуш ва 10 бронза медали қўлга киритилди.

Ўзбекистон спортида бокс алоҳида ўрин эгаллайди. 2014-2015 йилларда мамлакатимизнинг барча ёш ва вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари турли даражадаги 269 медалга сазовор бўлди. Ўзбекистонда халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар ва бокс турнирлари мунтазам ўтказилмоқда. 2015 йилнинг 7-14 июнь кунлари АІВА шафелигида пойтахтимизда ўтказилган бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 7 олтин ва 6 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистонда хаваскорлик боксини ривожлантириш, мамлакатимизнинг АІВА билан самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

Халқаро хаваскор боксчилар уюшмаси раҳбари Президент Ислон Каримовга самимий қабул ҳамда Ўзбекистонда спортни, жумладан, боксни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентига спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантириш ҳамда оммаллаштириш йўлидаги улкан хизматлари учун, шунингдек, боксни халқаро ва миллий даражада ривожлантириш борасидаги фидокорона меҳнати эътирофи сифатида АІВанинг юксак мукофоти – "Хизматлари учун" ордени топширилди.

ЎЗА

[Ҳавола:http://uza.uz/oz/politics/o-saroyda-abul---15-07-2016](http://uza.uz/oz/politics/o-saroyda-abul---15-07-2016)